

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2024 йил май ойининг 17-куни фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг ўз биносида очик суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья У.Назиров, М.Султанованинг котибалигида,

даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевичнинг жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизига нисбатан “Никоҳдан ажратиш ҳақида”ги 2-1706-2302/7432-сонли фуқаролик иши хужжатлари билан танишиб чиқиб, қўйидагилар,

### А Н И Қ Л А Н Д И :

Даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич ва жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи ўртасида 2013 йил 27-ноябрда Булоқбоши туман ФХДЁ бўлимида №1148-сон билан қайд қилинган никоҳдан ажратиб беришликни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич ўзининг даъвосини қувватлаб берган кўрсатмаларида, жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи билан 2013 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари борлигини, жавобгар билан ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2019 йил сентябрь ойида фактик ажрашганликларини, уларни оиласини тиклашни имкони йўқлигини, ўзаро ажрашиб кетганига беш йил бўлганлигини, оила тамоман барбод бўлганлигини, ўрталарида фарзанд ёки ва мулкый низолари ҳам йўқлигини, оиласи тикланмаслигини, уларни оиласини тиклаш имкони умуман йўқлигини, шунинг учун 2022 йилда қонуний расмийлаштирмасдан Суйдумхон Қурбонбой қизи исмли аёл билан турмуш қурганлигини ва у билан тинч-тотув яшаб келаётганлигини баён қилиб, жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи билан ўрталаридаги никоҳдан яна муддат бермасдан ажратиб беришни сўраб, тушунтириш берди.

Суд мажлисида жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи даъвогарни даъвосига иқрор бўлиб берган кўрсатмасида, даъвогар билан мурасалари келишмагани сабаб 2019 йилда ажрашиб кетганлигини, даъвогар собиқ эри билан никоҳдан ажрашишга розилигини, уларни ўрталарида ушлаб турадиган меҳр ришталари қолмаганлигини, оиласи тикланмаслигини, оиласини тиклашга ҳаракат ҳам қилмаслигини, оилани тиклаш имкони қолмаганлигини, ҳозирда қонуний расмийлаштириб бошқа йигит билан турмуш қуриш арафасида эканлигини, суд томонидан берилган мухлатлар давомида ҳам улар ярашишга ҳаракат қилмаганликларини, унга ҳам никоҳдан ажралганлик гувоҳномаси керак бўлаётганлигини баён этиб, яна муддат бермасдан уларни никоҳдан ажратиб беришни сўради.

Суд, суд мажлисида тарафлар тушунтиришларини эшитиб, иш бўйича тўпланган хужжатларга асосланиб, қўйидагиларга кўра даъвогарни даъво талабини қаноатлантиришни лозим топади.



Чунки, ишда ҳолатларидан аниқланишича, даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи билан 2013 йил 27-ноябрда Булоқбоши туман ФХДЁ бўлимида №1148-сон билан қонуний расмийлаштириб турмуш қурган.

Тарафлар биргаликдаги турмушларидан 08.10.2014 йилда туғилган Абдупаттаев Мироншоҳ Ахроржон ўғли исмли бир нафар фарзанди бор.

Тарафлар 2019 йил сентябрь ойдан, яъни беш йилдан буён бирга яшамайдилар.

Оилани барбод бўлишига тарафларнинг “муросасизликлари” сабаб бўлган.

Даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич никоҳдан ажрашиш учун мурожаат этганида, ушбу суднинг 23.11.2022 йилдаги 2-1706-2203/7547-сонли хал қилув қарори билан даъвогарни даъвоси асосиз деб топилган ва қаноатлантиришдан рад этилган.

Даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич никоҳдан ажрашиш учун такроран судга мурожаат этганида, суд тарафларни яраштириш чорасини кўриб, даъвогарни никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси бўйича суднинг 2023 йил 17-ноябрдаги “Эр-хотиннинг ярашиб олишлари учун 6 ой муҳлат берилган” ва суднинг муҳлат бериш ҳақидаги ажрими Булоқбоши туман хокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими ва “Байналминал” МФЙ ларнинг “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари”га оилани яраштириш чорасини кўриш учун юборилган.

Булоқбоши туман хокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари” нинг 16.05.2024 йилдаги Хулосасида ушбу оилани яраштириш чоралари бир неча бора маҳалла фаоллари томонидан кўрилганлигини, бироқ тарафлар оиласини тиклашга қатъий қарши эканлиги сабаб натижа бўлмаганлиги маълум қилинган.

Булоқбоши туман “Байналминал” МФЙ нинг “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари” нинг 06.05.2024 йилдаги Хулосасида ушбу оилани яраштириш чоралари бир неча бора маҳалла фаоллари томонидан кўрилганлигини, бироқ тарафлар оиласини тиклашга қатъий қарши эканлиги сабаб натижа бўлмаганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида, Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат ҳимоясидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади, деб кўрсатилган бўлиб, гарчи даъвогар муросасизликни ва узок йиллардан буён бирга яшаётганлиги рўқач қилиб муддат бермасдан никоҳдан ажратишни талаб қилган бўлса-да, бироқ суд томонидан дастлаб ушбу оилани яраштириш чораси кўрилиб, даъвоси рад қилинган, сўнгра 6 ой муҳлат берилган, бироқ суднинг муҳлатлари давомида ҳам оила тикланмаган, тарафлар ярашмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 06-сонли қарорининг 16-



бандида тушунтирилишича ва Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 41-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларини ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим.

Суд, даъвогарни оилани тиклашни истамаётганлигини, никоҳ ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилиқка асосланишини, улар ўртасидаги оилавий турмушни тиклаб бўлмаслигини, тарафлар беш йил бирга яшаб, ўтган беш йилдан буён фактик ажрашган ҳолда яшаётганлигини, тарафларга оилани тиклаш учун суд томонидан ҳам бир неча бора имконият берилганлиги ҳамда Булоқбоши туман ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлими ва “Байналминал” МФЙ ларнинг “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари” томонидан ҳам ушбу оилани яраштириш чораси кўрилганлиги, бироқ ушбу оилани тиклаш имкони бўлмагани, кўрилган чоралар самара бермаганлиги ҳақидаги хулосаларини инобатга олиб, суд тарафларни бундан буён бирга ҳаёт кечиришларини имкони йўқ ва оила батамом барбод бўлган деб ҳисоблаб, суд уларни никоҳдан ажратишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 06-сонли қарорининг 30-бандида, Судларга тушунтирилсинки, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ, унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (ОК 220-моддаси)-деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришга асосан жавобгарни турмушдан аввалги фамилиясига қайтариш ёки турмушдан кейинги фамилиясида қолиш масаласини ҳал қилишни ФХДЁ бўлимлари ихтиёрида қолдиришликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 29-бандида, эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади).

Суд, даъвогарни даъвоси қаноатлантирилаётгани сабаб Оила кодексининг 45-моддаси ва ФПК нинг 138-моддасига асосан никоҳдан ажратишни расмийлаштиришда тарафларнинг мулкӣ аҳволини ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб, тарафлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 ва 1 баробари миқдоридан давлат божи ундиришликни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-253 моддаларини қўллаб, суд,-

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

Даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевични жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизига нисбатан “Никоҳдан ажратиш ҳақида”ги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Даъвогар Самиев Ахроржон Абдупатоевич ва жавобгар Тўрашева Гулчирой Муҳаммадзоир қизи ўртасида 2013 йил 27-ноябрда Булоқбоши туман ФХДЁ бўлимида №1148-сон билан қайд қилинган никоҳдан ажратилсин.

Никоҳдан ажратишни расмийлаштиришда даъвогардан давлат фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баробари миқдорида давлат божи ундирилсин.

Никоҳдан ажратишни расмийлаштиришда жавобгардан давлат фойдасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробари миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида, шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция шикоят, прокурор эса апелляция тартибида протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи имзоланган**

**У.Назиров**

